

Хабар мазмунлы текстлер. Қандайда бир ўақыя-хәдийсе хаккында хабар бериў мақсетинде дүзилген текст есапланады. Көркем текстте информацияның берилиўи өзине тән тәризде болады. Әпиўайы хабардан өзгешеленеди. Эстетикалық мақсет болады. Гүрриң, сүүретлеў, дидактикалық текст түрлерин курамында келеди. Мәселен, Ш.Уснатдиновтың “Дәў кемпир” повестинде Айымгүлдің жасаў шараяты хаккында мынадай хабар бериледи: Айымгүл усы елдің арқа батысында, үлкен канал менен «Ақ жап»тың ашасындағы бийик жерде «ақ шол»дай жайы бар, үй қапталында мийўе бағы, бағында жүзими бар Сейтжан машинының қызы еди. Ол киси әкесинен мийрас қалған тигиў машинасын жаслай үйренип, дәслеп жеңил-желпи кийим тиге баслаған. Урыстан соңғы жыллары немецлерден басып алынған олжалар тарқатылған. Соның бир бөлегі усы жерлерге жетип, сол «трофей» деп аталған олжалардан «Зингер» тигиў машинасы Сейтжанға тийискен. Соннан баслап ол жақын әтирапқа, заманға сай кийимлер тигип сататуғы болған. Кәсип ийеси жүдә байып та кетпейди, аштан да өлмейди делинеди.

Буйрық мазмунлы текстлер. Буйрық мейилиндеги гәлперден дүзилген, қандай да бир исти орынлатуў яки мәсләхәт бериўге арналған текст типине буйрық мазмунлы текст делинеди. Мысалы:

1. Dáwletov A., Dáwletov M., Qudaybergenov M. Házirgi qaraqalpaq ádebiy tili. Sintaksis. -Nókis: 2009.
2. Филиппов К.А. Лингвистика Текста. -Санкт-Петербург: 2008.
3. Киличев Э. Матннинг лингвистик таҳлили. -Бухоро: «Бухоро университети», 2000, 6-7-б.
4. Qurbonova M., Yuldoshev M. Matn tilshunosligi. -Toshkent: 2014.
5. Muhamedova S., Sapariyozova M. Matn lingvistikasi. -Toshkent: 2011.

Әдебиятлар

РЕЗЮМЕ

Мақолада матн типлари ҳақида сўз юритилган. Унда матнлар ҳажм белгисига, структурасига, стилистик хусусиятлари, ифода мақсади ва мазмун белгиси асосида типларга ажратиб ўрганилган. Ҳажм белгисига кўра максимал ва минимал матнларга, структурасига кўра турғун структурали ва эркин структурали матнларга ажратилган. Ҳикоя мазмунли, дидактик, хабар мазмунли, тасвирий, буйруқ, ҳиссий мазмундаги матнлар мисоллар асосида таҳлил қилинган.

РЕЗЮМЕ

Статья посвящена типам текстов в каракалпакском языке. В ней приведены различия между текстами согласно объёму, структуре, стилистическим особенностям и содержанию. По объёму тексты бывают максимальные и минимальные. Согласно структуре, тексты разделены на устойчивые и свободные. Автор проанализировал тексты повествовательного, дидактического, описательного и эмоционального содержания, а также тексты приказы.

SUMMARY

The article is devoted to the types of texts in the Karakalpak language. It gives some statements about the volume structure, stylistic peculiarities and plot of the text. According to the extent the text is divided into maximal and minimal. According to the structure the texts may be stable and free. The author of the article analyzed the texts of the narrative, didactic, descriptive, emotional content, and also texts-decrees.

ИЛМИЙ УСЛУБ УСЛУБИЙ БЕЛГИЛАРИНИНГ СЎЗ БИРИКМАСИ САТҲИДА ИФОДАЛАНИШИ (атрибутив бирикмалар мисолида)

Э.Хўжаниёзов - филология фанлари номзоди, доцент
Ажиниёз номидаги Нукус давлат педагогика институтини

Таянч сўзлар: атрибутив бирикма, вазифавий услублар, услуб, услубшунослик, услублараро, услублар ичра, семантик доира, қўлланилиш, услубий хусусиятлар.

Ключевые слова: атрибутивное словосочетание, функциональные стили, стиль, стилистика, межстилевой, внутрителиевой, семантические круги, употребление, стилистические особенности.

Key words: attributive word combination, functional styles, stylistics, interstyle, in-branch, semantic circles, usage, style features.

Ҳар бир услубда тил бириклари ўзининг алоҳида вазифасига, семантик-стилистик хусусиятларига эга бўлади. Бу илмий услубда атрибутив бирикмаларнинг нутқ талабига мос шаклланишида, лексик тўлғазилишида ўзининг ёркин ифодасини топади. Илмий услубда бу бирикмаларнинг вазифаси, конкретлаштиришнинг шакл ва усуллари, алоҳида ўзига хосликка эга. Чунки бу услубнинг асосий хусусияти объектив борлиқни мантиқ нуқтаи назаридан таҳлил қилишдир. Ундаги ҳар бир ифода киши ақлига, мантикий фикрлашга йўналтирилган бўлади. У ўз объекти ҳақидаги тушунчаларни факат конкрет формадагина эмас, балки маълум гипотезалар, тахминлар, умумий тушунчалар, мавхумлиқлар шаклида бериши ҳам мумкин. Унда ҳар бир фикр конкрет кузатишга, тажрибага асосланган бўлса ҳам унда ўша конкрет ҳолатдан умумийлик идрок қилиниб, барча шунга ўхшаш ҳолатлар ҳақида фикр юритилади. Мавхумлик илмий тафаккурнинг олий формасидир. У барча конкрет ҳолатларни умумлаштиради. Шунинг

учун ҳам илмий услубнинг асосий хусусияти унинг абстрактлигида кўринади [1:102]

Илмий услубда ҳар бир олдида турган конкретлаштирувчи элемент унинг яқка, конкрет белгиларини кўрсатмайди, балки ўша предметдаги барча, умумий белгилар тўғрисида фикр юритади. Атрибутив бирикмалардаги бу мавхумлик, умумийлик ҳар бир атрибутив бирикмада яққол кўзга ташланади. Масалан: Бирор жисмга бир қанча кучлар қўйилган бўлса, булар кучлар системаси деб аталади. Жисмнинг ҳаракати бирор сабаб билан чекланган бўлса, бу жисм эркин жисм дейилади. (М.Т.Ўрозбоев. Механика, 30-бет) [2]. Бу мисоллардаги жисм, кучлар, сабаб сўзлари ўзларига конкретлаштирувчи унсур олган бўлса ҳам улар текстда ҳеч қандай конкретлиқка эга бўлмаган, яъни уларда алоҳида яқка жисмлар, кучлар, сабаблар ҳақида фикр юритилмайди. Улар шаклий жиҳатдан конкретлаштирувчига эга бўлсалар ҳам ўзларининг умумий маъноларида қолганлар.Шунинг учун ҳам илмий нутқда конкретлаштириш бадий ва оғзаки нутқ

услугларидаги конкретлаштиришга бутунлай ўхшамайди. Бу илмий услубнинг ўзига хос вазифасидан келиб чиқади.

Илмий услуб баёни абстракт тафаккурнинг меваси эканлиги атрибутив бирикмаларнинг ўзига хос шаклланишида ҳам кўринади. Унинг мавҳумлилик, умумийлик характери ҳар бир бирикмада ўз ифодасини топади. Бу илмий услубда тизимли характерга эга. Шунинг учун ҳам ҳар бир сўз бирикмаси ўша тизимнинг бир элементи ўлароқ унинг ўзига хос хусусиятини юзага чиқарувчи тил бириклари сифатида намоён бўлади. Хусусан текис шакллар, ингичка сим, катта қулайлик, маълум нукта, қаттиқ таянч, актив куч, ихтиёрий нукта, номаълум реакция каби бирикмаларда предмет ва уни конкретлаштирувчи белги билдирувчи сўзлар ҳам мавжуд. Аммо уларда оғзаки ва бадиий услубдаги конкретлаштириш умуман йўқ. Унда умум нарса ва ҳолатлар ҳақида фикр юритилган. Демак бу услубда том маънодаги конкретлаштириш ҳам йўқ. Фақат бир тушунчанинг иккинчи тушунчага муносабатигина умумий тарзда билдирилиши мумкин.

Нутқда ҳар бир сўз атрибутив бирикмалар восита-сид а умумий тушунчани билдиришдан конкрет, яъна тушунчаларни билдиришга ўтади. Илмий услубда бу унчалик акс этмайди. Юқоридаги бирикмаларда атрибутив бирикмаларнинг ҳоким компоненти аниқ конкретлаштирилмаган. Бу тушунчалар тилда қандай умумий маъноларни билдирган бўлсалар, улар нутқда ҳам ўша маънода қолган. Бу илмий нутқнинг асосий хусусиятларидан бўлиб, К. Гаузенблас сўзи билан айтганда "...фанда мисоллар предметлар синфи сифатида намоён бўлади" [1:69].

Илмий нутқнинг мавҳум характери унда махсус терминологиянинг, мавҳум лексика, мураккаб тузилмаларнинг кўп қўлланилишда кўринади. Бу тўғри, аммо бутунлай эмас. Унда ҳар хил тил бириклари қўлланилади. Умумхалқ тилида мавжуд бўлган барча лексик қатлам унда иштирок қилиши мумкин. Бу услубнинг характери унинг бир-иккитагина элементида эмас, балки унинг умумий тuzилишида, таркибида ва нутқ тизимнинг барча воситаларида кўринади [3:167].

Атрибутив бирикмалар ҳам илмий нутқ характери-ни маълум даражада ўзида акс эттиради. Бу, айниқса, унинг таркибидаги аниқловчи компонентнинг қўлланилишида яна ҳам ёркинроқ кўзга ташланади. Маълумки, предмет бадиий нутқда ўзининг аниқ белгилари билан конкретлаштирилади. Бу белги уни унинг бошқа белгиларидан ажралиб турадиган ва предметни онда аниқ тасаввур қилиш учун энг хос белгисидир. Бундан ташқари у бадиий услубда эстетик таъсир қилишга йўналтирилади, унга муаллифнинг муносабати аниқ билиниб туради. Илмий нутқда бу ҳолат умуман йўқ. Бадиий нутқда аниқловчилар сўзни махсус образ сифатида шакллантиради. Илмий услубдаги аниқлаш бир томонлама, чекланган, фаннинг махсус йўналиши бўйичадир. Бундан иккала услубда бир сўзга нисбатан қўлланилган аниқловчилар мисолида ҳам кўрсатиш мумкин. Масалан М. Қориевнинг "Ўрта Осиё иқтисодий географияси" номли асарида сув сўзига қуйидаги аниқловчилар қўлланилган: ер ости сувлари, минерал сувлар, хлорид-натрийли сувлар, 800 млн. куб. м. сув, энг кўп сув, босимли ва босимсиз сувлар, қудук сувлари, грунт сувлари, оқар сувлар, чучук сув, сизиб ўтган сув, қатламлараро сув, қарст сув, дарё сувлари, маҳаллий сувлар, йиллик мавжуд сув, бугланиб кетадиган сув, шўр сув, кўзда тутилган сув, тупроқ юзига чиққан сув, мавсумий сувлар. Бунда фаннинг характериға мос ҳолда сувнинг табиий белгилари қайд қилинган. Бадиий услубда эса у бир қултум сув, тўғондан пастга оқаётган сув, сап-сарик япроқлар билан қопланган сув, тўлганиб оқаётган сув, ҳамиша лиммо-лим сув, сал қалқиса қирғоққа

чопадиган сув, қафтида қолган сув, ингичка қумуш ука каби сув, чалов ҳиди аниқиб турган сув, салқин сув, тиндирилган сув каби қўлланилган. Кўринадики, бунда сув аниқ, тасаввур қилиш учун тасвирланган бадиий детал, у аниқ белгилари билан намоён бўлган, у ҳар хил сифатдошлар, жонлантиришлар, ўхшатишлар билан бетақдор образ даражасига кўтарилган.

Бу таққослашнинг ўзиёқ аниқ кўрсатиб турибдики, сув сўзи бадиий услубда кишининг диққатини жалб қилувчи, фикр, сезгилар уйғотувчи бир образ, картина. Илмий услубда унинг фақат табиий белгилари санаб ўтилган. Бу, албатта, иккала услубнинг ўз объектига ҳар хил муносабатидан келиб чиқади. Шунингдек, бу услубларда аниқловчи бўлакнинг коммуникатив вазифаси ҳам бир хил эмас. Бадиий услубда аниқловчи компонентга алоҳида эстетик вазифа юкланган. У нутқ жараёнида коммуникатив зарур бўлмаса ҳам қўлланилади ва услубнинг образлилик, картиналилик, тасвирланаётган объектга муаллифнинг муносабати каби услубий хусусиятларининг ифодачиси сифатида майдонга чиқади. Мисоллар: Чол ташлаган суякни кемириб ётган итнинг қулоқлари диққатди. Кўзойнақ таққан учувчи кабинадан қўлини чиқариб силқитди. Бу бизнинг эзгу ва бебаҳо даламиз. Келтирилган гаплардаги таги чизилган аниқловчилар коммуникация учун нозарур бўлиб, фақат услубий мақсадлар учун қўлланилган. Бадиий услубдаги аниқловчиларнинг 80-85 % и факультатив аниқловчилардир. Илмий услубда факультатив аниқловчилар 0-25 % дан ошмайди [4:10]. Демак бу услубда асосан зарурий аниқловчилар ишлатилади. Факультатив аниқловчилар тадқиқотларнинг тарихига тўхталганда, асарларнинг кириш ва хулоса қисмларидагина учрайди.

Илмий нутқнинг ўзига хос характери яна шундаки, бу услубда атрибутив бирикмаларнинг аниқловчи компоненти умумий тушунчаларни билдирувчи махсус сўзлар билан ифодаланади. Бундай сўзларга тегишли, асосий, махсус, алоҳида, айрим, маълум, бирон, муайян, муҳим, турли, кўп, қуйидаги кабилар қиради. Бу сўзлар атрибутив бирикмаларнинг конкретлаштирувчи компоненти сифатида фақат илмий услубдагина қўлланилади. Улар бадиий услубга хос эмас.

Илмий услубнинг асосий характери М. Н. Кожинанинг таъкидлаганидек, умумий мавҳумлиликда кўринади. Мазкур услубда мавҳумлилик тизимли характерига эга. Бу мазкур услубнинг майда унсурларидан тортиб барча қурилишида ўз аксини топади. Атрибутив бирикмалар ҳам илмий услубнинг ўша мавҳумлилик характери-ни юзага чиқарувчи бириклардир. Бундаги атрибутив бирикмаларни уларнинг характериға қараб 5 та типга бўлиш мумкин.

1. Ҳоким сўзда ифодаланган тушунча махсус илмий терминология билан конкретлаштирилган атрибутив бирикмалар.

2. Бирикмада ифодаланаётган белги ҳоким сўзда ифодаланган предметда мавжуд, аммо у бир томонлама фан характериға мос, чекланган йўналишдагина ифодаланадиган атрибутив бирикмалар.

3. Илмий услуб характериға мос мавҳум сўзлар билан шаклланган атрибутив бирикмалар.

4. Ҳоким сўзда ифодаланаётган тушунчанинг белгиси бошқа предметларга таққослаш орқали ойдинлаштириладиган атрибутив бирикмалар.

5. Лексикализациялашган атрибутив бирикмалар.

Биринчи гуруҳ атрибутив бирикмалар илмий услуб учун энг характерли бирикмалар ҳисобланади. Бу бирикмаларнинг характери тўғридан-тўғри фан ва унинг предметига боғлиқ. Ҳар бир фаннинг ўзига хос махсус терминологияси мавжуд. Бу ҳол ҳар бир соҳада ўзига хос бирикмаларни майдонга келтиради. Улар фанлараро маълум ўхшашликларига эга бўлса ҳам ҳар бир фан доирасида янги семантик мазмун касб этади. Масалан, илмий нутқда метод, система, алоқа, модда,

функция, фаолият, куч, жисм, назария, йўл, ядро, хужайра, жадвал, қисм, шакл, шароит, вазифа, анализ каби сўзлар тез-тез қўлланилади. Бу сўзлар ҳар бир фанда ўша мазмунга хос янги-янги сўз бирикмаларини ҳосил қилади. Булар: гуморал система / физиология/, нуллик система /механика/, контекстуал шароит /тилшунослик/, органик бирикмалар / химия/, составли бирикмалар / тилшунослик/, ижтимоий шароит / тарих/, объектив алоқа /тилшунослик/, диалектик алоқа / фалсафа/ савдо йўли /география/. Битишув йўли / тилшунослик /. Бундай мисоллар илмий услубда ниҳоятда кўп. Буларнинг маъноси қайси фан соҳасида ишлатиладиган бўлса, контекстга таянган ҳолда таҳлил қилинади.

Иккинчи тип бирикмаларда белги ўша предметнинг ўзида мавжуд бўлади. Бу бирикмалар бу жиҳатдан бадий услубдаги предметнинг ўзига хос белгиларини ифодаловчи бирикмаларга ўхшайди. Аммо фарқ шундаки, бадий услубда предмет белгиси муаллиф идроки асосида берилиши мумкин. Поэтик талаб нуктаи назаридан унинг илғаб бўлмайдиган белгилари ҳам тасвирланиши мумкин. Илмий услубда бундай бирикмаларнинг белги билдириш даражаси ниҳоятда чекланган. Унда предметларнинг фақат табиий белгиларигина билдирилади. Масалан: юмшоқ жинс, совуқ ҳаво, юқори температура, кучли зилзила, юпка пластинка ва бошқалар. Бу бирикмаларнинг ишлатилишида ҳам фан предмети катта роль ўйнайди. Белги ўша фанларнинг объекти, предметларнинг таҳлил қилиниши нуктаи назаридан берилиши мумкин.

Учинчи тип бирикмалар илмий услубнинг мавҳумлилик, умумийлик белгиларини юзага чиқарувчи бирикмалардир. Булар мавҳум лексика ҳисобланган терминологиядан, мавҳум сўзлардан шуниси билан фарқ қиладики, улар бирор ном ёки тушунчаларни ифода қилмайди, балки сўз бирикмалари составида мавҳумликни ошириш учун хизмат қилади. Бундай бирикмаларга бирор нукта, қандайдир сирт, маайян жисм, маълум доира, бир канча куч, ихтиёрий нукта кабилар қиради.

Тўртинчи гуруҳ атрибутив бирикмаларда белги бошқа предметларга киёслаш натижасида кўрсатилади. Бундай бирикмаларда белги ўхшатиш, метафора воситасида амалга оширилади. Илмий услубда ҳам ўхшатиш, метафора кенг қўлланилади. Лекин бу услубда ўхшатишнинг асосий хусусияти шундаки, у бадий услубдагидек образли тизим билан боғланмайди. Бадий услубда ўхшатиш нутқнинг образли системасига ўйғунлашиб, тизимли характерга эга. Илмий нутқда у системалилик касб этмайди. Бунда предметнинг шакли ва тузилишини аниқ, тўғри ифодалаш учун уни бошқа предметларга киёс қилади. Демак, бунда предмет предметга киёс қилинади. Шунинг учун ҳам илмий услубда ўхшатишнинг бошқа формалари билан бир қаторда – симон формасидан кенг фойдаланилади: эллипсисмон бўғим, тароксисмон мускул, камбаласисмон суяк, ғалвирсисмон суяк, найзасисмон чуқилар, зовсисмон чуқур водийлар ва х. Бадий услубда бу бутунлай бошқа. Ундаги ўхшатишлар кутилмаган таъсир ўйғотувчи ўхшатишлардир.

Лексикализациялашган атрибутив бирикмалар илмий услубнинг характерли хусусияти бўлиб, у барча фанларда мавжуд. Ҳар бир фаннинг ўзига хос лексикализациялашган бирикмалари бор. Уларнинг иштирокисиз илмий услубни тасаввур қилиб бўлмайди. Бундай бирикмалар илмий услубнинг стабил, стандарт шаклда бўлишини ва унинг фанлараро ўйғунлашишига шароит тўғдиради. Улар: а) моддалар номларини: сульфат кислота, натрий нитрат; б) географик жой номларини: Ўрта Осиё, Орол денгизи; в) ижтимоий тузум, ҳодиса номлари: марказий қўмита ижроия қўмита; г) ҳар хил илмий тушунчалар: вектор миқдор, призматик стержен каби номларни билдиради. Бундай

бирикмаларнинг кўплари сифат+от қолипиди атрибутив бирикмалар шаклида бирикади. Шу сабабли ҳам А.А. Реформатский бундай атрибутив бирикмаларни термин ҳосил қилишнинг идеал намунаси деб ҳисобласа, [5:31] О.Д. Митрофанова эса уларни “атрибутив-дефинитив”, “атрибутив-кваликатив” бирикмалар деб атайди [6:90]. Академик В.В.Виноградов бундай бирикмаларни “фразеологик бирикмаларнинг эркин эквиваленти” эканлигини таъкидлайди ва улар турғун бирикмалар бўлса ҳам, уларнинг таркибини осон алмаштириш мумкинлигини ва бу типдаги бирикмалар илмий услубнинг характерли белгиларини кўрсатишини қайд этади [7:42].

Илмий услубнинг яна бир характерли томони, унда ихчам конкретлаштириш бўлмайди. Ихчам конкретлаштириш бадий услубга хос хусусият. Унда тасвир объектининг энг ажралиб турадиган, ўша предметни кўз олдимизда намоён қилувчи асосий бир белгиси таъкидланади. Бу белги предметнинг бошқа белгиларидан устун, ажралиб турадиган белгисидир. Ўша белги орқали предмет тўғрисида аниқ тасаввур туғилади. Бу белги қанчалик муваффақиятли илғаб олинган бўлса, унинг стилистик самраси ҳам юқори бўлади.

Илмий услуб материалларининг кўрсатишича, сифат-от бирикмаси бу услубда миқдор жиҳатдан кўп бўлса ҳам семантик-стилистик жиҳатдан ниҳоятда чекланган даражада қўлланилади. Бу илмий услубнинг вазифаси ва ўша соҳадаги тил бирликларининг ихтисосланиш характери билан боғлиқ. Илмий коммуникация ва илмий информацияни баён қилиш учун тил бирликларининг доираси кенг бўлиши шарт эмас. Бу илмий услубнинг вазифаси ва ўша соҳада тил воситалари ихтисосланиши характери билан боғлиқ. Бу ҳолат сифат+от бирикмасининг мазкур услубдаги семантик доираларида яққол кўзга ташланади. Чунинчи, тобе компоненти аслий сифатлар билан ифодаланган атрибутив бирикмалар бадий услубда 43 та семантик доирани ташкил қилган ҳолда, илмий услубда бу 10 та хилдагина учрайди.

Тобе компоненти нисбий сифатлардан ифодаланган атрибутив бирмаларнинг семантик доираси ҳам илмий услубда бадийга нисбатан анча кам. Ваҳоланки, нисбий сифат+от типли бирикмалар миқдори илмий услубда бадийга нисбатан икки марта кўп бўлишига қарамадан, уларнинг семантик ҳар хиллиги бадийда 33 та – гуруҳда, илмийда эса 8 та турда учрайди. Бу ҳам илмий услубнинг монотон характерини кўрсатиб туради.

Илмий услубда олмош+от бирикмаси ўз функцияси ва қўлланиши хусусиятлари билан бадий услубдаги ўша тип бирикмалардан тубдан фарқ қилади. Чунки бу тип бирмаларнинг пайдо бўлиши, тузилиши ҳар доим контекст билан боғлиқ. Улар сўз бирикмаларининг бошқа типларига унчалик ўхшамайди. Айниқса, унинг аниқловчи бўлаги контекстсиз маъносиздек кўринади. Шунинг учун ҳам бундай бирикмаларни доим контекстга таянган ҳолда таҳлил қилиш зарур. Фақат контекстгина унинг қандай вазифада қўлланганлигини аниқлаб беради. Айниқса, бу ҳолат тобе компоненти кўрсатиш олмошларидан ифодаланган атрибутив бирикмаларда яққол кўзга ташланади. Бу услубда кўрсатиш олмош+от типли атрибутив бирикмаларнинг асосий вазифаси услубнинг асосий хусусияти-изчилликни таъминлашга бўйсундирилган. Бунда бу бирикмаларнинг синтактик функцияси фаоллашиб, номинатив функцияси бирмунча пассивлашади ёки иккинчи даражали аҳамиятга эга бўлиб қолади. Шунинг учун ҳам бу услубда тобе компоненти кўрсатиш олмоши билан ифодаланган атрибутив бирикмаларнинг 90% и (барча қўлланилганга нисбатан) баёнда изчилликни таъминлаш учун хизмат қилади. Бу тип бирикмалар илмий контекстнинг жипслигини, боғлиқлигини таъминловчи ўзига хос воситадир. Улар

контакт ва дистант ҳолдаги изчилликни амалга ошира олади. Бу қисм, бу натижа, бу формула, бу айният, бу ҳол, бу тарз, бу хусусда, шундай масалалар, мазкур ҳодисалар типдаги бирикмалар контакт ва дистант ҳолдаги боғлиқликни, изчилликни таъминлайди.

Атрибутив бирикмаларнинг сифат+от, оллош+от, сифатдош + от, сон + от ва х. типлари илмий услубда

Адабиётлар

1. Кожина М.Н. О речевой системности научного стиля сравнительно с некоторыми другими. -Пермь: 1972.
2. Ўрозбоев М. Т. Мисоллар. “Назарий механика асосий курси”, Баходиров М. “Тупроқшунослик”, Кодиров М. “Ўрта Осиё табиий географияси” асарларидан олинди. Бундан кейин манбалар қисқартириб берилди.
3. Кожина М.Н. О специфике художественной и научной речи в аспекте функциональной стилистики. -Пермь: 1966.
4. Полищук Г.Г. О стилевом функционировании коммуникативно-факультативных определений. Вопросы стилистики Межвузовский науч. Сборник. -Саратов: 1972. № 4, -С.10.
5. Реформатский А.А. Термин как член лексической системы языка. Конференция по применению структурных и стилистических методов исследования словарного состава языка. Сборник. -М.: 1961.- С. 31.
6. Митрофанова О.Д. Язык, научно-технической литературы. - М.: 1973. - С. 90.
7. Виноградов В.В. Идеалистические основы синтаксической системы проф. А.М.Пешковского. Вопросы синтаксиса русского языка. - М.: 1950, - С. 42.

Мақолада атрибутив бирикмалар услуб ҳосил қилувчи тил воситалари сифатида олиб қаралган. Бу бирикмаларнинг илмий услубда қўлланилиши, семантик ўзига ҳослиги кўрсатиб берилган. Улар тузилишининг илмий услубга ҳос томонлари очиб берилган. Атрибутив бирикмалар услубларни услублараро фарқловчи, шакллантирувчи восита сифатида олиб қаралган, уларни ўрганиш услубшунослик учун катта аҳамиятга эгалиги асосланган.

РЕЗЮМЕ

В статье атрибутивные словосочетания рассматриваются как стилиобразующие средства языка. А также здесь показаны употребление и семантическое своеобразие атрибутивных словосочетаний в данном стиле. Кроме того, в нём атрибутивные словосочетания описываются как дифференцирующие и формирующие средства функциональных стилей. В ней обосновывается, что изучение словосочетаний в таком направлении имеет большое значение для стилистики.

РЕЗЮМЕ

In the article, attributive word combinations are considered as style-forming language means. It is also shown the usage and semantic originality of the attributive phrases in this style. In addition attributive word combinations are described as differentiating and forming means of functional styles. It is also justified that the study of word combination in this way has a great importance for Stylistics.

SUMMARY

ТИЛ ВА МАДАНИЯТ МУШТАРАКЛИГИНИНГ МЕТАФОРИК МАЪНОЛАРДА ИФОДАЛАНИШИ

Ю.М.Ибрагимов - профессор

Ажиниёз номидаги Нукус давлат педагогика институти

Таянч сўзлар: антропоцентрик парадигма, инсон тафаккури, метафорик модел, моддий метафора, маънавий метафора, вербаллашган метафора.

Ключевые слова: антропоцентрическая парадигма, мышление человека, метафорическая модель, вербальная метафора, инстинктивное сознание, естественная культура, сознательная культура.

Key words: anthropocentric paradigm, human thinking, metaphorical model, verbal metaphor, instinctive consciousness, natural culture, conscious culture.

Тилнинг имконият сифатидаги ҳолати лисон бўлиб, бу имманент имкониятнинг нутқий воқеланиши жонли системаларни вужудга келтиради. Агар лисон мавҳум ва статик система бўлса, унинг реаллашуви бўлган нутқ жонли, ўзида турли лисоний ва кўплаб нолисоний ҳодисаларни мужассамлаштирган, динамик системадир. Бу динамик системада лисоний бирликлар амал қилар экан, бунда инсоний ва прагматик омил таъсирида лисоний имкониятлар турли ўзгаришларни бошдан кечиради. Имкониятлар кенгайиши, торайиши, кучайиши ёки аксинча, ўта кучсизланиши ҳам мумкин. Уларнинг бундай ўзгариши, аввало, бошқа лисоний бирликларнинг унга ҳамкорлик қилиши натижасида юз беради. Бу, айниқса, луғавий бирликлар маънавий имкониятларининг ўз ва кўчма маъноларда қўлланишларида яққол кўзга ташланади. Шу боисдан, антропоморфик метафорани тил ва маданият, тил ва мулоқот, тил ва маънавият, тил ва руҳият муштараклиги муаммоси ўтқирлашган бир пайтда лингвистик тадқиқ қилиш, унинг лингвомаданий, когнитив ва социолингвистик тавсифини бериш долзарб муаммо сифатида намоён бўлади.

Метафора тилнинг ўтмиши, бугуни ва эртасидир. Унга қараб тилнинг шаклланишини, таракқиётини баҳолаш мумкин. Тил таракқиётининг маълум бир босқичларида пайдо бўлган фаннинг илк давридан бошлаб бугунги кундаги ҳолатигача уни метафорадан ҳоли тасаввур қилиб бўлмайди. Аксарият терминларнинг келиб чиқиши метафорик асосдадир. Масалан, тилшуносликдаги урғу, бўғин, товуш ўзгариши, маъно кўчиши, маъно кенгайиши, маъно торайиши, эга кесим, аниқловчи, тўлдирувчи, ҳол, содда, мураккаб, ажратилган бўлак, уюшиқ бўлак, содда гап, қўшма гап, гап бўлаги, сўз ўзгариши каби минглаб терминларнинг метафорик асосда эканлиги фикримизнинг далилидир [4:39]. Фикрлаш жараёни ҳам, қиёслаш асослари ҳам, чиқариладиган ҳулосалар ҳам метафорик механизмнинг маҳсулидир.

услуб хусусиятларини акс эттирувчи бирикмалар сифатида намоён бўлади. Уларни ўрганиш вазифовий услубларнинг миқдор ва сифат кўрсаткичларини аниқлашга, уларни алоҳида тизимлар сифатида тасаввур қилишга, тил воситаларининг услублараро тақсимланишини билиб олишга ёрдам беради.

Масалан, инсонда “она” ва “ватан” тушунчаси аввал онгсиз, кейинчалик эса онгли равишда она ҳақидаги тасаввурлар шаклланади. Дастлаб руҳий ва жисмоний боғлиқлик пассив субъект сифатидаги болада она ҳақидаги инстинктив тасаввурларни пайдо қилади. Иссиқ вужуд, тириклик манбаи бўлган кўкрак ва меҳрибон нигоҳ учлиги болада онага дастлабки меҳрни пайдо қилади. Бу меҳр муносабат маҳсулидир. Онанинг болага ва боланинг онага моддий ва маънавий муносабати меҳрни шакллантиради ва улғайтиради. Она озиклантирувчи ва химоячи, жисм ва руҳни тарбияловчи, боланинг эҳтиёжларини қондирувчи илк ва асосий объект. Онанинг бу хислатлари фарзанднинг улғайиши билан кўпроқ англандиган бўлиб боради. Ватан инсон онгида шакланган она ҳақидаги тасаввурлар замида, онг остидаги қиёсланиши ва уйғунлигининг ўзи билмаган ҳолдаги ҳис қилиб борилиши билан кучайиб боради. Ватан билан бошқа бирор тушунча она тушунчаси қадар боғланмаган ва уйғунлаштирилмаганлигининг боиси улар моҳиятидаги ботиний муштаракликдир.

Аслида метафора тафаккур ва онгнинг энг катта “ёлғон”идир. Юқорида ўхшашлик қидирганимиз “она” ва “ватан” тушунчалари орасида заррача бўлсин, айнанлик йўқ. Ватан шахс эмас, у эмизмайди, у едириб-ичирмайди, дардимизга шерик бўлмайди, йиғласак, йиғлаб, қулсак, қулмайди. Шу боисдан метафорани айримлар таснифий “хатолик”, таксономик “лоф”, классификацион “утрик” сифатида баҳолашлари ҳам бежиз эмас. Албатта, бу қарашлар, объектив ва ҳиссиз муносабат, уни ифода этувчиларнинг ўзлари ҳам эътироф этишади. Аммо бу тафаккурнинг бу сифатига доир муҳим ва бекиёс бир ҳаққонийлик бўлиб, у юқоридаги изоҳларнинг барчасини тўфондай тўзғитади, бир ҳақиқат бошқа ҳақиқатни бўғади, қовурғаларини синдириб юборади. Бу фикрий образ яратилдир. Н.Д.Арутюнова шу маънода таъкидлашчи, метафора зоҳирий белги-хусусиятларни ажратмайди, балки